

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМАДАЛИЕВ МАХАМАДЖОН АХМАДАЛИЕВИЧ

**АЙРИМ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ
ЎРГАНИШ АСОСИДА ЭКОЛОГИК ЗАРАРСИЗ
МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ**

02.00.09 - Товарлар кимёси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ИЛМИЙ МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Тошкент-2020

УЎТ 678.86.02.; УЎТ 691.33:66.062.818.2.
УЎТ 666.972:678.683.; УЎТ 630.863:547;724.1

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the dissertation of doctor of science (DSc)

Ахмадалиев Махамаджон Ахмадалиевич

Айрим саноат чиқиндиларини кимёвий таркибини ўрганиш асосида
экологик зарарсиз маҳсулотлар олиш..... 3

Ахмадалиев Махамаджон Ахмадалиевич

Исследование компонентного состава некоторых промышленных
отходов получением безвредных продуктов на их основе..... 35

Axmadaliev Maxamadjon

Investigation of the composition of some industrial waster to obtain of
harmful cemmercial products based on them..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 71

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМАДАЛИЕВ МАХАМАДЖОН АХМАДАЛИЕВИЧ

**АЙРИМ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ
ЎРГАНИШ АСОСИДА ЭКОЛОГИК ЗАРАРСИЗ
МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ**

02.00.09 - Товарлар кимёси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ИЛМИЙ МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Тошкент-2020

Докторлик (DSc) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/Т390. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фаргона давлат университетида бажарилган.

Докторлик диссертациясининг илмий маъруза автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) ёзилган. Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Асқаров Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махсумов Абдулҳамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Каримқулов Қурбонқул Мавлонқулович
техника фанлари доктори, профессор

Исаков Ҳаётилло
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат техника университети


Диссертациясининг химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSC.03/30.12.2019.К/Т.04.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "12" 01 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани А. Навоий кўчаси 32 уй. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: info@tcti.uz).


Докторлик диссертациянинг илмий маъруза автореферати билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин 103 рақам билан рўйхатга олинган) Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани А. Навоий кўчаси 32 уй. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: info@tcti.uz).

Диссертациянинг илмий маъруза автореферати 2021 йил 4 01 кун тарқатилган (2021 йил 4 01 даги 10 рақамли реестр баённомаси)




Х.Л. Пулатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, кимё фанлари доктори, доцент


Ф.Б. Игитов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


Д.А. Рахимов
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, кимё фанлари доктори, профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳондаги глобал муаммоларидан бири атроф мухитни химоя қилиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдалиниш ва ишлаб чиқаришни жадал суратлар билан ривожланиши баробарида йилдан йилга ортиб бораётган саноат чиқиндиларини қайта ишлаб, атроф мухитни ифлослантмаслик ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш ва саноат корхоналарида ҳосил бўлаётган чиқиндиларини кимёвий таркибини ўрганиш асосида экологик зарарсиз маҳсулотлар олишда фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Бутун дунёда экологик хавфсиз, кам чиқиндили ва чиқиндисиз инновацион усулда олинадиган ишлаб чиқариш маҳсулотларини яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг истиқболи кўплаб техник муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, улар учун хом-ашё базасини кенгайтириш бўйича, қуйидаги йўналишларда ечимларни илмий асослаш: саноат чиқиндиларини кимёвий таркибини ўрганиш асосида экологик зарарсиз маҳсулотлар олиш, маҳаллий нефтдан олинаётган гудрондан битум олиш технологиясини ишлаб чиқиб саноатда қўллаш, каталитик бензиндан толуол концентратини олиш технологиясини ишлаб чиқиб, толуолнинг ўрнига ёғни парафинсизлантиришда қўллаш, ёғ-мой заводи чиқиндиси-гудрон асосида смолалар олиш ва сувдан, сувли эритмалардан химояловчи лак, суртмалар, замазкалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикада саноат чиқиндиларини, хусусан нефтни қайта ишлаб, олинаётган гудронни, ёғни парафинсизлантириш учун танлаб, таъсир этувчи эритувчини маҳаллий хом-ашёдан олиш технологиясини яратиш, концероген рақ ҳосил қилувчи асбестни ўрнига, минерал толали, базальт толаларидан том ёпқи маҳсулотларини олиш, қувурлар, иссиқ-совуқдан химояловчи плиталар, коррозияга чидамли бошқа қурилиш товар маҳсулотларни маҳаллий хом-ашёлардан ишлаб чиқариш борасида назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «Саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан табиатни муҳофаза қилиш ва саноат корхоналарини чиқиндиларини кимёвий таркибини ўрганиш асосида экологик зарарсиз маҳсулотлар олиш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини қўллаб йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича «Харакатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3632-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертациянинг тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқотлар Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV.«Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш» ва VII “Кимёвий технологиялари, нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²: Альдегид, спирт ва бошқа функционал гуруҳ тутган саноат чиқиндиларини таркибини ўрганиш асосида махсус хоссали боғловчилар ва полимер композицион бирикмаларини олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Dow Chem, ИСС, Ashland Chemical Co, Eskeyar, Subdiraccion de Hidrolisis Tableros ICIDCA, Quaker Oats Chemicals Div, Div Ashland Oil Inc, Chemical Industries Co., Reichold Chemicals Inc., фирмалари (АҚШ), Egyesiill Vegyimilvek, Италияда Soc. Italiane Resine (Венгрияда), Dr. F. Raschig GmbH (Германия); Iet Furane Plastics, Inc, Хитаи Касей Катё, Ригунайто, Буден Якухин Когё (Япония), Analele Universitatii Bucuresti (Руминия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ-хўжалиги ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаб товар маҳсулотлари олишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: фуран эпоксид смолалари асосида шишапласт композициялар олиб турли хажимларнинг ичини футуровка қилувчи смолалар ишлаб чиқилган (Analele Universitatii Bucuresti, Руминия); фурфурол-ацетон мономерларини олиш технологияси яратилган (органик синтез институти, Латвия); фуран-фенолоформальдегид смолаларини олиш ва улар асосида полимеркомпозицион маҳсулотлар: клейлар, некция таркиб, полимерзамазкалар, полимербетонлар, графит, шиша, углеродли пластмассалари ва формаларга қуйиш смолалар ишлаб

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар қуйидаги манбалар асосида бажарилди: <https://www.advis.ru>, <https://www.iss-reshetnev.ru>, <https://www.ashland.com>, <https://www.zaubacorp.com>, <https://www.academia.edu>, <https://pubs.acs.org>, <https://www.devex.com>, <http://www.reichhold.com>, <https://www.waze.com>, <https://www.dixon-resine.it> ва бошқа манбалар.

чиқарилган (Полимер материаллар илмий тадқиқот институти, Масква); фурил спирти куб қолдиғи асосида турли кўпикли пластмассалар олиш технологияси яратилган (Тошкент кимё-технология институти, Ўзбекистон).

Дунёда саноат, маиший ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини утилизация қилиш ва чиқиндисиз технологиялар яратиш бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан,: фурфурол олиш унумини ортириш; технологияларини такомиллаштириш; фурфурол асосида доривор перепаратлар олиш; гербецид ва фунгоцидлар олиш; турли хилдаги махсус хоссали смолалар ва композицион махсулотлар олиш. битум олиш ва унинг ишлатишда, ҳамда экологик зарарсиз асбестсиз том ёпки махсулотлари ишлаб чиқариш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Фурфуролнинг оксидланиши ва ректификация қилиниши натижасида полимерланиши, фурфурол-ацетонли, фурфурол-фенолформалдегидли, фурфурол-фенолли, фуран-эпоксидли ва бошқа фуран тутган бирикмаларнинг олиниши, ишлатилиши бўйича; Л.Клайзин, А.С.Пондер, Т.Майтямир, Т.Харвии; Д.В.Исоческу, Г.Гаваает, И.В.Ионеску, Ф.Аврамеску, Л.А.Бадовская, А.А.Шербаков, Е.Ф.Морозов, В.И.Сушков, Ю.И.Холькин, В.Г.Кулневич, А.А.Пономарев, И.В.Каменский, В.И.Игинский, Е.В.Оробченко, Ю.Н.Прянишников П.П.Сурмин, Н.Н.Остер-Волков, Н.В.Унгуреан, Г.С.Гранкина, В.В.Коршак, В.И.Клевешников, В.А.Елкин ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган; Полимерзамазка, полимербетон, инекцион таркиблар, лок ва клейлар олиш бўйича: Т.Майтямир, Т.Харвии; А.А.Пономарев, Е.В.Оробченко, В.В.Путуроев, И.М.Елшин, Н.А.Мошанский, В.И.Саломатов, Н.Н.Остер-Волков, Ю.М.Маматов ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Фурфуролни куб қолдиғи асосида фурфурол-ацетон мономерлари ва бошқа аралаш смолалар олинган. Аммо уларнинг физик-механик хоссалари, агрессив муҳитларда чидамлилиги қониқарсиз бўлган, саноатда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилсада жуда кўп кераксиз жараёнларни ўз ичига олган ва 24-36 соат давомида олиб борилган.

Нефть гудрони ва асфальт асосида битум олишни Р.Б.Гун, И.Б.Грудников ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар томонидан битум олишда асфальтенларнинг роли, гудроннинг таркибини битум олишга таъсир этувчи омилларини ўрганилиб, битум ишлаб чиқиш технологик жараёнларини ишлаб чиққанлар, аммо суяқ қовушқоқлиги $V_{У80}=11\pm 5с$. бўлган гудрон билан ишлаганларида бундай гудрондан битум олиш мумкин эмас деган хулосага келганлар. Ёғни парафинсизлантириш бўйича А.М.Кулиев, Н.Ф.Богданов, А.Н. Перверзев, И.Г.Фукс, В.Л.Гуревич, А.К.Кадиров, А.Г.Азимов ва бошқалар илмий тадқиқот ишла

Ёғни парафинсизлантириш жараёнида эритувчиларнинг таркиби ва миқдорини таъсирини ёғни парафинсизлантиришда эритувчилар билан рафинатнинг нисбати таъсири ва парафинсизлантирилган ёғни олишдаги кўрсаткичларига таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, ёғни

парафинсизлаштиришда эритувчиларнинг таркибида, метилэтилкетон-(МЭК)ни миқдори 55÷70%, толуолни миқдори эса 30÷45% бўлганида ёғни парафинсизлантириш яхши боришини кўрсатганлар ва саноатда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган, аммо МЭКни миқдорини - 30-35%гача камайтириш, толуол миқдорини эса 65-70%гача орттириб ёғни парафинсизлантирувчи эритувчи ишлатилганда кутилган натижага эриша олмаганлар. Шунингдек толуолнинг ўрнига толуол концентратини (каталитик бензиннинг 95-125°C фракциясининг) эритувчи сифатида ишлатиш, ҳамда МЭКнинг ўрнига спирт заводининг (C₂-C₅) чиқинди спиртларидан фойдаланиб ёғни парафинсизлантирувчи эритувчи олиш тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар адабиётларда келтирилмаган.

А.Г.Комар, Г.Домокеев, В.А.Воробьев, В.А.Асқаров, Н.А.Акрамов ва бошқалар асбест асосидаги қурилиш маҳсулотларини хоссаларини яхшилаш йўллари, асбестнинг концентрогенлик хусусиятларини камайтириш, ҳамдан бўкишини камайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Асбестнинг концентрогенлиги хусусиятлари тўғрисида эса Е.А.Гудкова, Ф.Махова ва бошқа олимлар тадқиқот олиб борганлар. Аммо асбестсиз, минерал, базальт, шиша толалари асосида том-ёпқи, сув қувурлари, турли плиталар ва бошқа маҳсулотлар олиш бўйича илмий тадқиқотлар адабиётларда учрамайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот институти ва олий таълим муассаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги: Диссертацион тадқиқоти иши қуйидаги шартномалар доирасида амалга оширилди: Россиянинг “Мин-химпром”, заказ-наряди С-02121858700203; Киргиз электроизолитнинг х/ш ПКО-№ 503-90, № 115-90/53, Ўзбекистон республикасининг фан ва техника қўмитаси шартномаси 79/107,1993; Фарғона ОПУВХ х/ш № 66-89; “Қўқон спирти”АЖ №10, №11; Фарғона “Ёғ-мой”АЖ х/ш №06, 25.04.2013; ва “Қувасой шифер”АЖ билан х/ш № 08; каби хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади айрим саноат чиқиндиларини кимёвий таркибини аниқлаш асосида экологик зарарсиз маҳсулотлар олиш, маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиб, чиқиндисиз технологик жараёнларни яратиш, саноатда қўллаш ва мавжудларини самарадоригини ошириб табиий ресурсларни сақлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат миқёсида ҳосил бўлаётган альдегид, спирт тутган чиқиндилар; фурфуролни ректификация қилишдаги куб қолдиғи-(ФРКК); кротон альдегиди куб қолдиғи-(КрАКК); ацетальдегид куб қолдиғи-(АцКК), фурил спирти куб қолдиғи-(ФСКК); этил спирти куб қолдиғи-(ЭСКК) ва бошқа чиқиндиларнинг таркибини ўрганиб, улар асосида махсус хоссали боғловчилар ва композицион товар маҳсулотларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш;

маҳаллий нефтдан олинаётган гудрондан битум олиш технологиясини

ишлаб чиқиш ва қўллаш.

каталитик бензиндан толуол концентратини олиш технологиясини ишлаб чиқиб, толуолнинг ўрнига ёғни парафинсизлантиришда қўллашни саноат миқёсида ташкил қилиш, шунингдек парафинни чўктирувчи сифатида қўлланилаётган МЭЖ нинг ўрнига спирт завод чиқинди спирти ($C_2 - C_5$) ишлатиб ёғни парафинсизлантирувчи эритувчи олиш;

нефт ва газ саноатларидаги ҳосил бўлаётган олтингургут чиқиндиси, оҳак сути, этил спирти, кротон альдегиди ишлаб чиқариш куб қолдиғи асосида ўсимлик зараркунандаларига қарши курашувчи восита кальций полисульфидни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

рак ҳосил қилувчи канцероген асбест товар маҳсулотларини таркибидаги асбестнинг ўрнига, маҳаллий маъданлардан экологик зарарсиз базальт, минерал толаларини олиш асосида экологик зарарсиз товар маҳсулотларини саноатда ишлаб чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти: сифатида заводларида ҳосил бўлаётган фурфурол ва фурил спиртини ректификация қилиб тозалашидан ҳосил бўладиган куб қолдиғи; “Навой Азот” заводида ҳосил бўлаётган кротон альдегид куб қолдиғи; этил спирти ишлаб чиқариш заводини куб қолдиғи; нефтни қайта ишлаш заводида ҳосил бўлаётган олтингургут; ёғ-мой заводларида ҳосил бўлаётган госсипол смоласи; асбестсиз экологик зарарсиз товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун металлургия заводи чиқиндиси минерал-базальт толалари ва бошқа чиқиндилар тадқиқотнинг объектларидир.

Тадқиқотнинг предмети: саноат чиқиндиларини таркибини аниқлаб янгича усул билан қайта ишлаш технологияларини яратиш асосида олдиндан белгиланган таркибли, экологик зарарсиз, махсус хоссали чиқиндисиз товар маҳсулотларини саноатда ишлаб чиқаришдаги қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: аналитик, кимёвий, физик-кимёвий усуллардан: хроматография, УБ-, ИК-, ЯМР спектроскопия, дереватография, рефрактометрия, элемент анализ, титрлаш, полимерлар, композицион маҳсулотларини физик-механик хоссаларини, агрессив мухитларга чидамлигини аниқловчи барча усуллар, товар маҳсулотларини сифатини аниқловчи ИТХ-илмий техник хужжатлар ва бошқа усуллар фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сортсиз фурфуролдан Фурфурол-ацетон мономерлари ФА, ФАМ ва ДИФА-М олиш технологиясини инновацион усули ишлаб чиқилган;

фурфуролнинг куб қолдиғи, фурил спиртининг куб қолдиғи асосида инновацион усул билан ФАСК смоласи олиш технологияси яратилган;

илк бор Кротон альдегидининг куб қолдиғи КрАКҚ -таркиби таҳлил қилиниб, КрАКҚ ни фурфурол билан конденсациялаб бурғулаш қудуқларига томпонаж бирикмаси сифатида ишлатиш имконияти аниқланган;

илк бор Ўзбекистон нефтидан олинган гудрон асосида битум ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

каталитик бензинни 95-115°C фракциясидан толуол концентратини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

каталитик бензинни 100÷125°C фракцияси толуол концентрати ва этил спирти чиқиндиси (C₂–C₅) асосида ёғни парафинсизлантириш эритувчисини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор ФНҚИЗнинг чиқиндиси: олтингургут, оҳак сути, спирт заводининг куб қолдиғи ва кротон альдегидининг куб қолдиғи асосида ўсимлик зараркунандаларига қарши курашувчи перепарат “Кальций полисульфид” олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор концероген азбест ўрнига минерал-базальт толаси асосида экологик зарарсиз шифер ва бошқа товар маҳсулотлари олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сортсиз фурфуролдан фурфурол-ацетон мономерини ФА, ФАМ, олиш технологияси яратилган;

фурфуролнинг куб қолдиғидан КОФПА смоласи олиш технологияси яратилган;

илк бор Ўзбекистон нефтидан олинаётган гудрондан битум олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор каталитик бензиндан толуол концентрати ва этил спирти ишлаб чиқаришидаги (C₂-C₅) спирти асосида маҳаллий хома-шёлар асосида ёғни парафинсизлантирувчи эритувчининг олиш технологияси яратилган.

экологик зарарсиз минерал, базальт толалари асосида том ёпқи маҳсулотини олиш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар замонавий тадқиқот усулларини қўллаш билан асосланган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти айрим саноат миқёсида хосил бўлаётган альдегид, спирт ва бошқа функционал грух тутган чиқиндилар; фурфуролни ректификация қилишдаги куб қолдиғи-(ФРКК); кротон альдегиди куб қолдиғи (КрАКК); фурфурил спирти куб қолдиғи-(ФСКК); этил спирти куб қолдиғи (ЭСКК); ёғ-мой гудрон чиқиндиси (Госсипол смоласи) ва бошқа чиқиндиларнинг таркибини ўрганиб, улар асосида махсус хоссали композицион товар маҳсулотларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикада қазиб олинаётган нефтларнинг гудрони асосида битум олиш технологияси, каталитик бензиндан толуол концентратини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, толуолнинг ўрнига ёғни парафинсизлантиришда қўллашни саноат миқёсида ташкил қилиш ва парафинни чўктирувчи сифатида қўлланилаётган МЭЖ нинг ўрнига спирт завод чиқинди спирти (C₂÷C₅) ишлатиб ёғни парафинсизлантирувчи эритувчилар олиш, Бекобод тоғ-металургия заводида хосил бўлаётган минерал толалар, базальт толалари, асосида асбестсиз

экологик зарарсиз том ёпқи ва бошқа экологик зарарсиз товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши натижасида, экологик мухит яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Айрим саноат чиқиндиларини кимёвий таркибини ўрганиш асосида экологик зарарсиз маҳсулотлар олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон нефтидан олинган суюқ (ВУ80=6-15 с.) гудрон асосида битум олиш технологияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқаришга жорий этилган (Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 2019 йил 24 сентябрдаги 26/2-353-сон маълумотномаси). Натижада, суюқ гудрондан битум олиш каттик гудрондан олишга нисбатан сезиларли даражада юқори самарадорликка эришиш имконини берган;

фурфуроль-ацетон ва полимербетон аралашма асосида Фарғона фуран бирикмалари кимёси заводида ишлаб чиқарилган КОФПА боғловчи бирикмаси Фарғона вилояти Сув хўжалигининг Сўх сув узелига қарашли иншоатларда гидроизоляция ишлари олиб боришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 05/032-4659-сон маълумотномаси). Натижада, сув иншоатларидаги нозик қурилмаларни гидроизоляция қилиш туфайли уларни қайта таъмирлашга сарфланадиган йиллик моддий ҳаражатларни тежаб қолиш имконини берган;

Фарғона фуран бирикмалари кимёси заводида фурфуроль-ацетон боғловчиси асосида ишлаб чиқарилган КОФПА боғловчиси Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли “Сирдарё”, “Шўроқўл” насос станцияларида гидроизоляция ишлари олиб боришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 05/032-4659-сон маълумотномаси). Натижада, сувда ишловчи қурилмаларни изоляция қилиш учун ишлатиладиган амалдаги бирикмаларга нисбатан КОФПА бирикмаси сув иншоатларининг узлуксиз ишлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 73 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 5та муалифлик гувоҳномаси 2 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 10 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Илмий маърузанинг таркиби ва ҳажми. кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Маърузанинг ҳажми 36 бетдан, 7та расм ва 10та таблицадан иборатдир.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 1-бобида Фарғона фуран бирикмалари химия заводи-ФФБХЗга 2005 йилгача Россия ва Ўзбекистоннинг 39 та заводи ўзи ишлаб чиқарган фурфуролини фурфурол-ацетон мономерлари ФА; ФАМ; ДИФА; фуритол, БС-40 ва бошқа маҳсулотлар олиш учун юборар эди. Бу смолаларнинг махсус хоссаларини юқорилиги жиҳатидан ўхшаши чет давлатларда ҳам йўқлиги сабабли ва биринчи сорт фурфурол этишмовчилиги, сортсиз фурфуролдан, фурфурол олишда ҳосил бўлаётган куб қолдиғининг йилига 8-9 минг тоннаси ёқиб юборилиб атроф мухитни ифлослантириш баробарида 50÷80% гача фуран альдегиди тутган маҳсулотни йўқатилар эди. Шу сабаб фурфуролнинг куб қолдиғини таркибини тадқиқ қилиб, фурфурол-ацетон асосидаги товар маҳсулотларини олишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларидир.

Диссертациянинг 2-бобида эса маҳаллий нефт гудронидан битум олиш бўйича қилинган илмий тадқиқотлар ёритилган. Ёғни парафинсизлантириш учун маҳаллий хом-ашёлар асосида эритувчи олиш мақсадида толуол концентратини каталитик бензидан олиш технологик жараёнлари ва толуол концентрати асосидаги эритувчи билан ёғни парафинсизлантиришда қилинган тадқиқотлар келтирилган. Спирт завод чиқиндисини ($C_2\div C_5$) ишлатиш бўйича қилинган тадқиқотлар, кратон альдегидининг куб қолдиғи, этил спирти куб қолдиғи, оҳак сути ва саноат чиқиндиси олтингургут асосида КПС-кальций полисульфид олиш бўйича қилинган тадқиқотлар атрофлича ёритилган. Шунингдек этил спирти ишлаб чиқариш куб қолдиғидан изо-амил спиртини 99,7% тозаликда ажратиб олиб сирка кислотасининг изоамил-эфирини олиш бўйича қилинган илмий тадқиқотлар қисқача ёритилган.

Диссертациянинг 3-бобида асбоцемент маҳсулотларини концерогенлигини йўқотиш мақсадида асбестни маҳаллий хом-ашёлардан олинган минерал, базальт толаларига алмаштирилиб том ёпки маҳсулотлари ва минерал-цемент маҳсулотлари олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиши қанчалик муҳим эканлиги билан чет эл олимларининг тадқиқотлари асосида, қилинган асбестнинг рақ ҳосил қилувчи хусусиятлари келтирилган.

1.1. Фурфурол таркибини фурфурилиденацетонлар ҳосил бўлишига таъсири


Авалги олиб борилган фурфурол билан ацетонни ва МФАни фурфурол билан конденсацияси реакцияси натижасида ДИФА ҳосил

бўлиш механизимини ўрганиш, фурфурол-ацетон мономерлари ФА, ФАМ ва ДИФА олиш технологик жараёнини тубдан ўзгартириш билан бирга фурфурол-ацетон мономерларини олишнинг қисқартирилган, инновацион усулини ишлаб чиқиш имкониятини берди ва янги турдаги фурфурол-ацетон мономерларини олиш, фурфурол билан ацетон, фурфурол билан МФА реакциясининг кинетик қонуниятларига асосида олиб боришни тақоза этади.

Фурфурол билан ацетон, фурфурол билан МФАнинг конденсацияси реакцияси натижасида ДИФА хосил бўлиш кинетик қонуниятларини ўрганиш, фурфурол-ацетон мономерларини олдиндан белгиланган таркибли ва хоссали фурфурол-ацетон боғловчиларни олишда фурфуролнинг 2-сорт, сортсиз-хом фурфурол, хаттоки фурфурол куб қолдиғининг ишлатиш имкониятини яратади.

Турли заводлардан олинган фурфуролнинг таркибини фурфурилденацетон хосил бўлиш тезлигига таъсирини ўрганишда, фурфурол таркибидаги кўшимча моддаларни МФА хосил бўлиш тезлигига таъсир этмасдан, ДИФА хосил бўлиш тезлигини пасайтириши натижасида фурфурол-ацетон мономерларидаги ДИФА миқдори белгиланган нормадан пастлиги аниқланди 1-жадвал. Кўп ҳолларда ФФБКЗ-(Фарғона фуран брикмалари кимё заводи)га келаётган фурфурол давлат стандартларига жавоб бермасдан фуран альдегидлари миқдори $(93,8 \div 82) \pm 2\%$ ни ташкил этиб фурфурол-ацетон мономерлари ФА ва ФАМ олишга ярқисиздир.

Фурфурол таркибида фуран альдегидлари миқдорини камайиши, смолаларнинг ортиши полимерланиш тезлигини пасайтиради. Бунда 3%ли БСК-бензолсульфо кислота билан $(170 \pm 2)^\circ\text{C}$ полимерланиш $60 \div 80$ сек. (фуран альдегидлар миқдори $95 \pm 4\%$ бўлганида), полимерланиш 120-150сек. (фуран альдегидлар миқдори $75 \pm 5\%$ бўлганида), полимерланиш 200-220сек. бўлади (фуран альдегидлар миқдори $50 \pm 5\%$). Шунингдек фурфурол-ацетонли боғловчиларда моно ва ди маҳсулотлар миқдори камайиб чўкмалар ҳосил бўлиши кузатилади (1-расм, 3-чизик). Шу билан бирга боғловчининг қовушқоқлиги ҳам ортади (1-расм, 2-чизик).



1-расм. Фуран альдегидлари миқдорини фурфурол-ацетон мономерларини хосил бўлишига таъсири

- А-ФАС-реакцион муҳитини қовушқоқлиги В3-4 сек. (20°C да).
 Б- ФАС-реакцион муҳитнинг 3% БСК ($170 \pm 2^\circ\text{C}$ да), сек 1.
 ●- фуран альдегидлари ;
 2. x- ФАС-реакцион муҳитини қовушқоқлиги В3-4 сек. (20°C да).
 3. ▲- фурфурилиденкетонлар йиғиндиси (МФА+мМФА+ДИФА+мДИФА+димДИФА)

Тадқиқотлар фурфуролнинг миқдорини камайиши ва умумий кўшимчаларнинг ва куб қолдиғи миқдорининг ортиши реакция тезлигини пасайтириб, тайёр маҳсулот таркибидаги ДИФА миқдорини 46,4% дан 15,3% гача, деярли 3 маротабагача тушириши натижада фурфурол-ацетон боғловчиларининг активлигини белгиловчи ($\Sigma_{\text{йиғин.}} = \text{МФА} + \text{ДИФА} + \text{фуран альдегидлар}$) миқдори 96,0 % дан 63,3 % гача камаяди, бу ўз навбатида фурфурол-ацетон боғловчилари асосидаги полимеркомпозицияларнинг физик-механик мустаҳкамлик даражаларини пасайишига олиб келишини кўрсатади.

1-жадвал

Мономер ФАнинг хоссаларига фурфурол таркибини таъсири

№	Кўрсаткичлар	Заводларнинг номлари				
		Саратов	Речинск	Тула	Хорск	Манту- ровский
1	Σ –фуран альдегидлари, %	97,4	94,5	91,9	86,9	82,2
2	К.ч.мг/КОН/г	0,096	0,28	0,43	0,74	0,93
3	Метил-фурфурол, %	0,833	1,426	1,688	2,246	3,623
4	Смолалар, %	1,4	2,3	4,4	5,8	6,4
Фурфурол-ацетон боғловчиси – ФАСни таркиби						
5	Сол.оғ., г/см ³	1,112	1,120	1,128	1,130	1,138
6	Қовушқоқлиги ВЗ-4, 25°Сда, сек.	13÷17	14÷18	16÷19	16÷20	17÷22
7	Сувдаги -рН	4,34	4,15	4,2	4,85	5,2
8	Полимер. тез. 3% БСК при 170°С, сек	62,2	70,1	59,6	80	86,9
9	Метил-фурфурола, %	Отс.	Отс.	Сл.	0,6	1,3
10	МФА-миқдори, %	50,0	50,0	47,0	50,1	46,7
11	ДИФА-миқдори, %	33,4	29,9	24,0	18,1	15,3
12	$\Sigma = \text{МФА}$ ва ДИФА , %	89,4	79,9	71,0	68,9	63,3
13	Смолалар, %	10,6	20,1	29,0	31,1	36,7

1.2. Фурфурол-ацетон мономерларини олишнинг янги усули


Фурфуролда фуран альдегидларининг миқдорини камайиши смолаларнинг ортиши полимерланиш тезлигини пасайишига ва фурфурол-ацетон мономерларида МФА ва ДИФА миқдорини камайишига олиб келади. Мономерларининг полимерланиш фуран альдегидлар миқдори $85 \pm 5\%$ бўлганида, 100-150 сек. гача секинлайди ва олинаётган мономер «ФА» ва «ФАМ» Ts.59.02.039.07.-84; талабларига жавоб бермайди (2-жадвал). Шу сабабдан фурфурол-ацетон мономерларини олиш технологиясини ўзгартириш реакциянинг ДИФА ҳосил бўлишини тезлаштиришга қаратилган эди.

Фурфурол-ацетон мономерларини олиш технологияси даврий бўлиб 2-расмда келтирилган:

1. Олинаётган фурфуролнинг таркибидаги фурфурол билан метилфурфуролнинг умумий миқдори 80% дан кам бўлмаслиги керак, 80% дан юқори 80-85% га жавоб берсагина ҳисобланган миқдори 3-ўлчагичдан 9-насос орқали 6 м^3 ли реактор-1га солинади;

2. Ацетоннинг давлат стандарти бўйича мослигини аниқлаб 4-ўлчов ҳажмидан 1-реакторга қуйилади:

3. 5-ўлчов ҳажмидан эритувчини олиниб 1-реакторга қуйилади: сўнгра реактордаги аралашмани аралаштирилиб;



2-расм. Фурфурол-ацетон мономерларини олиш технологик схемаси.

1.Реактор: 2.Совутгич:, 3.Фурфурол ўлчагичи:

4.Ацетон ўлчагичи:, 5.Эритувчи ўлчагичи:,

6.20%ли NaOHни ўлчагичи: 7.50%ли H_2SO_4 ўлчагичи:

8.Конденсат йиғгич: 9.насос: 10.Омборхонага.

4. 6-ўлчагичдан 20%ли NaOHдан учга бўлиб реакторга қуйилади. Реакция муҳитида ҳарорат кўтарилиши кузатилади. ҳарорат $(70\pm 5)^\circ\text{C}$ гача етганда реактор кўйлагига совуқ сув берилади ва ҳарорат $(85\pm 5)^\circ\text{C}$ етганда шу ҳароратда реактор кўйлагига $1,5\pm 0,5$ атм пар юборилиб 60-90 минут конденсация қилинади.

5. Реакция муҳитни нейтраллаш учун $(75\pm 5)^\circ\text{C}$ гача совутилиб, 7-ўлчагичдан 50%ли сульфат кислотаси қуйилиб, $\text{pH}-6,5\div 7,5$ гача нейтралланади.

6. Олинган маҳсулотни сувсизлантириш учун реакторни фақат 2-совутгичга йўналтирувчи крани очилиб, реакторни кўйлагига пар юборилади. 9-чи вакуум насоси орқали 250-300 мм.см. устинида ҳайдалаётган сувларни ҳайдаб 8-ҳажимга йиғилади.

7. Олинган фурфурол-ацетон момери Ts.59.02.039.07.-89;

кўрсаткичларига жавоб бергандан сўнг 10—омборхонага юборилади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида таркибида(81±1)% фуран альдегидлари тутган фурфуролда мономер ФА ва ФАМ олишга мултипликация гувоҳномаси № 955674, 04.05.1982; асосида ФХЗдида саноатда мономер ФА ва ФАМ олиш технологияси ишлаб чиқилди 1985 йилда тажриба партияси 1989 йилдан саноат регламенти СР №64-113-5319-89 ва Тс. 59.02.039.07.-89; асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2-жадвал

Мономер ФА таркибга фурфуролнинг миқдорини таъсири

№	Махсулотлар кўрсаткичлари	Фурфурол юборган завод номлари				
		Саратов	Речинск	Тула	Хорск	Мантурова
1	Σ~Фуран.альдегиди, %	92,5	90,9	88,7	85,8	81,7
2	Қовушқоқлиги ВЗ-4,и.	14,9	14,5	16,0	16,5	17,0
3	Сувдаги рН-	5,2	6,3	6,1	5,7	6,2
4	Полимер. Тезлиги 3% БСК, сек	77,5	82,2	70,1	86	92
5	Фурфурола миқдори, %	отс.	отс.	отс.	сл.	отс.
6	МФА миқдори, %	44,5	44,3	45,6	44,7	40,9
7	ДИФА миқдори, %	45,2	43,2	40,8	38,3	37,2
8	МФА ваДИФА миқдори, %	89,7	87,5	86,4	83,0	78,1
9.	Смолалар миқдори, %	8,3	11,5	12,6	17,0	21,9
Олинган мономер ФА асоидаги полимерзамазканинг хоссадари						
10	Бузилишдаги мустахкамлиги, МПа					
11	Босишдаги	100,5	99,7	98,0	85,2	88,6
12	Эгишдаги	29,3	28,7	32,7	30,8	30,6
13	Чўзишдаги	9,2	8,7	9,0	11,0	11,9
14	Бринелл бўйича каттиқлиги, МПа	230	225	235	231	236
15	Ургандаги қовушқоқлиги, кДж/м ²	2,7	2,8	2,4	3,0	2,5
16	Мартенсда ҳароратга чидамлиги, °С	156	138	146	142	140

Шундай қилиб янги усул билан олинган мономерлар ФА ва ФАМ барча кўрсаткичлари билан Тс.59.02.039.07.-89 нинг нормаларига тўлиқ жавоб беради ва 2-сорт фурфуролни ўрнига сортсиз фурфуролнинг ишлатиш натижасида олинган фойда йилига 440 миллион сўмни ташкил этади.

1.3. Фурфурол куб қолдиғини таркибини аниқлаш ва боғловчилар олиш

Саноат миқёсида ҳар йили 50÷60 минг тонна фурфуролнинг ректификациялашдан куб қолдиғи-ФРКҚ ҳосил бўлади, уларнинг таркибидаги фуран альдегидлари миқдори 50±2% дан 80±1%ни ташкил

қилишига қарамасдан ёқиб юборилар эди.

ФКҚни ацетонга нисбатан 1:1 масса нисбатлари миқдоридан 4:1 масса нисбатлар миқдоригача ўзгартириб, фурфурол-ацетон боғловчилари-ФАБ олинди. Фурфурол-ацетон боғловчиларини кимёвий таркибига ва улар асосидаги полимеркомпозицияларнинг физик-механик хоссаларига таъсири ўрганилди (фурфурол куб қолдиғи таркибидаги фуран альдегидларининг миқдори $67 \pm 2\%$ ни ташкил қилган).

Фуран альдегидлари (фурфурол+метилфурфурол)нинг ацетонга нисбатини ортиши билан реакция муҳитда МФА; мМФА миқдори камайиб ДИФА; мДИФА ва димДИФА миқдори ортиб борди. ФКҚ билан ацетоннинг массага нисбатан нисбатлари 2,5:1 молга етганда дифурфурилиденацетон маҳсулотлари энг юқори кўрсаткичга етиб реакцияга киришмай қолган метилфурфуролнинг миқдори $4 \div 1\%$ ни қолганлиги кузатилди (3-жадвал).

Шунингдек, турли нисбатларда ФКҚ ва ацетоннинг нисбатларини ўзгартириб, олинган боғловчиларни орасида энг юқори дифурфурилиденацетон (ДИФА+мДИФА+димДИФА) % миқдори юқори даражага $50 \pm 1\%$ га етди ва олинган полимерзамазкани физик-механик хусусияти энг юқори даражага эга бўлгани 2,5:1 нисбатидаги боғловчи экани таблицадан кўриниб турибди. Шу сабабдан, ФКҚни қайта ишлаб боғловчи олишда фақат шу нисбатлардан фойдаланиб, саноатда КОФПА ишлаб-чиқариш учун технологик регламент тузилди. Илмий тадқиқотлар натижасида, конденсация реакциялари қуйидаги тартибда бориши аниқланди.

Реакциянинг бориш кетма - кетлиги:

1. Фурфуролни натрий гидрооксиди билан бирикиб натрий гидрооксифурфуральдегидат комплексини ҳосил бўлиши;
2. Натрий гидрооксифурфуральдегидат комплекси ацетон билан бирикиб, МФА-монофурфурилиденацетон ҳосил бўлиши;
3. Натрий гидрооксифурфуральдегидат комплексини кейинги босқичда МФА билан бирикиб ДИФА-дифурфурилиденацетоннинг ҳосил бўлиши;
Бу жараёнлар билан ёнма-ён ва кетма-кет қуйидаги реакциялар бориши аниқланди;
4. Метилфурфуролни ишқорий муҳитда бирикиб, натрий гидрооксиметилфурфуральдегидат комплексини ҳосил бўлиши ва уни ацетон билан бирикиб метилфурфурилиденацетон-мМФА ҳосил бўлиши;
5. мМФАни натрий гидрооксифурфуральдегидат комплекси билан бирикиб, метилДИФА ҳосил бўлиши;
6. Метилфурфурол билан МФА бирикиб метилДИФА ҳосил бўлиши;
7. Натрий гидрооксиметилфурфуральдегидат комплексини метил МФА билан бирикиб диметилДИФА ҳосил бўлиши;

**ФКҚ ацетонга нисбатан моллар нисбатида олинган
боғловчиларнинг хоссалари**

№	Кўрсаткичлар номи	ФКҚни ацетонга нисбатлари(мол миқдорида.)					
		1:1	1.5:1	2:1	2.5:1	3:1	4:1
1.	Ташқи кўриниши	Кўнғир рангли суюқлик смола ҳидли					
2.	ВЗ-4.қовушқоқ., сек.	31	40	69	58	32	30
3.	рН-кўрсаткичи	4.9	4.8	5.0	5.5	6.0	6.5
4.	3%БСКда 170°Сда полимерланиши,с.	43	59	54	68	60	42
5.	$\Sigma \approx$ фуран альдегиди,%	0,3	0,9	1.2	4,9	20,7	32,2
6.	МФА, %миқдори	39.5	27.1	6.6	3.6	0.5	отс.
7.	м-МФА,%миқдори	6.0	5.4	5.1	1.4	1.5	отс.
8.	ДИФА,%миқдори	16,4	24.3	32.7	34.1	22,0	18,3
9.	м-ДИФА,%миқдори	3.0	6.5	10.6	10.5	7.9	5.4
10.	дим.ДИФА. %	0.7	1.6	6.8	5.0	1.7	1.8
11.	$\Sigma \approx$ фурфурилиден-ацетон, % миқдори	66,6	64,9	61,8	64,6	32,7	25,5
Полимер замазкани физик-механик хусусиятлари							
12.	3%ли БСКда композ. қотиш вақти, соат.	4.0	4,0	3.5	3.0	2.5	2.0
13.	Сиқишдаги мустаҳкамлиги, МПа	70-75	80-95	95-110	95-120	80-95	80-90
14.	Эгилишда мустаҳкамлиги, МПа	18-22	20-27	25-30	32-40	25-30	20-30
15.	Чўзилишдаги мустаҳкамлиги, МПа	6-10	8-12	10-14	12-16	10-14	8-12
16.	Мартенс бўйича ҳароратга чидам. °С	80-90	90-100	110-130	130-155	100-135	100-120
17.	Бриннелл бўйича қаттиқлиги, МПа	190	215	235	246	230	225
18.	Урганда солиштира қовушқоқлиги, кДж/м ²	1.5	2.2	2,5÷3.0	2,6÷3.5	2.8	2,3

8. Фурфурол альдол конденсациясига киришиб смолага айланиши;

9. Метил фурфуролни фурфурол билан конденсацияланиши;

10. Метилфурфуролни альдол конденсацияланиши ва бошқа реакцияларни бориши аниқланди; Бажарилган илмий тадқиқотлар натижасида фурфурол куб қолдиғи асосида саноатда илк бор, КОФПА боғловчисини олиш технологик жараёни яратилди.

1.4. КОФПА боғловчисини фурфурол куб қолдиғидан саноатда олиш технологияси


Илк бор КОФПА олиш технологияси яратилди, бу жараён даврий бўлиб қуйидаги босқичлардан иборатдир (3-расм).

1) ФКҚни СР№039.33.-85 ва Ts.59.059.55-85 да кўрсатилган ярқли даражаси аниқланади;

2) 6 м^3 ли реакторни ишқорли сув билан ювилиб қурилади ва 11-хажмдан 12-насос ёрдамида, ФКҚни 3-ўлчов ҳажмига 2470 л олиниб, 1-реакторга қуйилади (4-жадвал):

3) Ацетоннинг давлат стандарти бўйича мослигини аниқлаб 4-ўлчов ҳажмидан 1-реакторга 660 л. қуйилади:

4) 5-ўлчов ҳажмидан эритувчини (КОФС) 245 л. олиниб 1-реакторга қуйилади сўнгра реактордаги аралашмани аралаштирилади;



3-расм. ФКҚдан фурфурол-ацетон боғловчисини КОФПА олиш технологик схемаси.

1.Реактор: 2.Совутгич:, 3.Фурфурол куб қолдиғи ўлчагичи:

4.Ацетон ўлчагичи:, 5.Эритувчи ўлчагичи:,

6.20%ли NaOHни ўлчагичи: 7.50%ли H_2SO_4 ўлчагичи:

8.Конденсат йиғгич: 9.насос: 10.Омборхона.11-ФКҚ хажми.

5) 6-ўлчагичдан 20% ли NaOH дан 59 литр олиниб (1-50; 2-25; 3-25)% ни учга бўлиб реакторга қуйилади. Реакция муҳитида ҳарорат кўтарилиши кузатилади, ҳарорат $(85\pm 5)^\circ\text{C}$ га етганда шу температурада 40-60 минут давомида конденсация реакцияси олиб борилади, бунинг учун реакторнинг сув кўйлагига $1\pm 0,4$ атм. буғ юборилади;

6) Реакция муҳитини нейтраллаш учун $(55\pm 5)^\circ\text{C}$ гача совутилиб, 7-ўлчагичдан 50% ли сульфат кислотаси қуйилиб, pH 5,5÷6,5 гача нейтралланади;

7) Олинган маҳсулотни сувсизлантириш учун реакторни фақат

2-совутгичга йўналтирувчи крани очилиб, реакторни кўйлагига буғ юборилади. 9-чи вакуум насоси орқали 250-300 мм.см. устунида ҳайдалаётган сувларни ҳайдаб 8-ҳажимга йиғилади;

8) Ҳосил бўлган КОФПА боғловчисини таркиби СР№039.33-85 ва Ts.59.059.55-85 га тўлиқ жавоб бергандан сўнг 10-ҳажимга қуйилади.

Саноат регламенти СР ва Ts. асосида ФФБКЗда ишлаб чиқарилган 200 тонна КОФПАнинг барча кўрсаткичлари Ts.оп.59.059.55-85 га тўлиқ жавоб беради. Олинган товар маҳсулоти КОФПА талабгорларга: Россиянинг Москва вилоятидаги Металл сеткалар заводида; Волгаград нефтни қайта ишлаш заводида; Крапоткин кимё заводида; Гулькевич шаҳардаги 1-МПККАга юборилди.

Ўзбекистонда “Фарғона азот” Фарғона вилоят сув хўжалиги объектларига, “Кўкон суперфосфат” заводида; “Наманган химия заводи” ва бошқа талабгорларга юборилди.

4-жадвал

5м³ реакторга юкланаётган маҳсулотлар миқдори

№	Хом-ашё миқдори	%, миқдо -ри	Оғир. миқдор	Сол.оғ г/см ³	Ҳисоб-ланган миқд. кг	Маҳсулот ҳажми л.	Тўли ш коэф.
1	КОРФ Σ -фуран альдегид, %	60,0	60,0	1,17	2890	2470	0,72
2	Ацетон, %	99,8	110,0	0,79	528	660	
3	*КОФС, %	40,0	5,9	1,18	288	245	
5	NaOH, %	42,0	0,71	1,219	35	59	
6	H ₂ SO ₄ , %	50,0	0,88	1,395	40	28,6	
7	КОРФ	60	10,0	1,17	500	428	

*КОФС йўқлигида 288кг.-КОРФ билан суюлтирилади.

1.5. КОФПА асосидаги аралаш смолалар олиш

1.5.1.КОФПА асосидаги эпоксид смолалари

КОФПА боғловчиси асосидаги композицион товар маҳсулотларининг физик-механик хоссаларини юқорилиги сабабдан ва фуран-эпоксидли, фуран-фенолли, фуран-каучукли смолаларнинг физик механик хоссаларини ва уларнинг турли соҳаларда фойдаланишини инобатга олиб эпоксид: ЭД-20 смолаларидан (20; 30; 40)% кўшиб, фуран-эпоксид смолалари олиш технологияси ишлаб чиқилди. Смолалар асосида полимерзамазка олинди, унинг физик-механик хусусиятлари 5-жадвалда келтирилган.

Москва полимер материаллар илмий тадқиқот институтининг тажриба заводи №1 цехида: КОФЭД-20; КОФЭД-30; КОФЭД-40; ФАСКЭД; ДИФЭДМ-64; боғловчилари илмий техник хужжатлар асосида ишлаб чиқилди ва қуйидаги талабгорларни объектларида ишлатилди

1) Россиянинг; Москва вилоятидаги Металл сеткалари заводида ва

темир-бетон ишлаб чиқариш заводларида.

2) Волгаград нефтни қайта ишлаш заводида.

3) Крапоткин Химия заводида.

4) Краснодарнинг Гулькевич сахарчасидаги 1-МППКда.

5) Краснодардаги ВНИИКР нефть объектларида.

Ўзбекистоннинг; Фарғона вилоят сув хўжалиги шартномаси № 66-89г. асосида: Сўх дарёсининг Сарикқўрғон гидроузелида; “Сирдарё” ва Шўроқли кўл” насос станцияларида.

6).”Кўқон суперфосфат” АЖ заводининг ёқилғи газлари чиқариш трубасида 45 м².

7).”Фарғона азот”АЖ заводининг кислота ва ишқорлар тайёрлаш цехида 1500м² поллари химояланди.

8).”Кўқон спирти” АЖ заводида ТГС цехида-103 м² сатх агрессив мухитдан химоя ёилинди. .

9).“Наманган химия” АЖ заводининг кислота ва ишқор эритиш блокларининг поллари 115 м². агрессив мухитлардан химоя қилинди .

Шунингдек сортсиз фурфуролдан олинган ДИФА-М мономериға ЭД-20 смоласини сополимерлаш натижасида ДИЭДМ-64 боғловчиси олинди ва

5-жадвал

КОФПА ва эпоксид смолалари асосидаги боғловчилар

№	Кўрсаткичлар номи	КОФЭД-20	КОФЭД-30	КОФЭД-40
1.	КОФПАнинг % миқдори	80	70	60
2.	ЭД-20 смоласи % миқдори	20	30	40
3.	Сол.оғирлиги, г/см ³	1,13-1,15	1,14-1,16	1,14-1,16
